Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 30 октябрь • № 44 (1065)

*Анжуман*

## МУКАММАЛ ТИЗИМ, НОЁБ ҲОДИСА

### Юртимиздаги шошилинч тиббий ёрдам хизмати хорижлик мутахассислар томонидан ана шундай юксак баҳоланди

**2015 йилнинг 29 октябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Шошилинч тиббий ёрдам врачлар Ассоциациясининг III съезди ўз ишини бошлади.**



Унда ўзбекистонлик соҳа мутахассислари билан бирга Россия, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Португалия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларнинг вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, республикамизда шошилинч тиббий ёрдам соҳасида самарали ишлар амалга оширилаётганлиги ва бу борада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада яхшиланаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, шошилинч ёрдам хизмати 1998 йилда Юртбошимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил қилинганлигини алоҳида тилга олди. Сўнгра Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори, профессор Абдухаким Ҳожибоев ўтказилаётган ушбу съезддан кўзланган асосий мақсад ва унинг доирасида бўлиб ўтаётган маҳорат дарслари, ёш олимлар танлови, шунингдек, кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар ўзининг кенг қамровлилиги билан мутахассислар фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб, мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам хизмати бўйича амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзуларда юртимизнинг таниқли профессор-олимлари ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган малакали мутахассислар маъруза қилдилар.

Таъкидлашимиз муҳимки, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) ва унга бириктирилган республика санитар авиацияси ҳамда Тошкент шаҳрининг “103” хизмати шошилинч тиббий ёрдам хизматининг бош муассасаси ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил қилинган марказнинг 12 та филиалида махсуслаштирилган шошилинч тиббий ёрдам аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Қолаверса, мамлакатимизнинг 172 та аҳоли пунктида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг субфилиаллари – шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, тизимга “103” тез тиббий ёрдам хизмати, санитар авиацияси ва фавқулодда вазиятларда аҳолини тиббий таъминлаш хизмати ҳам бириктирилган.

– Марказимиз 706 ўринга эга бўлиб, 29 та клиник бўлинмадан ташкил топган. Ҳар йили турли шошилинч касалликлари бўлган 140 мингдан ортиқ беморга ёрдам кўрсатилади. Энг сўнгги русумдаги аппаратуралар билан таъминланган шифо масканимизнинг 16 та операция залида йилига 13000 та мураккаб операция бажарилади. Аҳолига 450 нафардан ортиқ шифокор ҳамда 1200 нафардан зиёд ҳамширалар хизмат кўрсатади. Шунингдек, марказнинг ҳар бир бўлинмаси тиббиёт фанлари доктори ва фан номзодлари томонидан етакчилик қилувчи илмий клиник бўлим ҳисобланиб, бу даргоҳда кунлик клиник ишлар билан бирга 100 дан ортиқ илмий ходим томонидан

**(Давоми 2-бетда).**

*Эътибор ва ғамхўрлик*

## МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН ЭЗГУЛИК ВА ҒАМХЎРЛИК

**Жорий йилнинг 22-30 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Сен ёлғиз эмассан” Республика болалар фонди билан ҳамкорликда республикамиз бўйлаб Меҳрибонлик уйи, Болалар шаҳарчаси ва SOS – болалар маҳаллаларида тарбияланаётган болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.**





Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги 2221-сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда етим, ота-она қаровисиз қолган ва имконияти чекланган болаларнинг тиббий-ижтимоий кафолатларини таъминлаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, уларни ижтимоий-психологик ва тиббий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2015 йилнинг 22 октябридан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Сен ёлғиз эмассан” Республика болалар фонди ҳамкорлигида республика миқёсидаги Меҳрибонлик уйи, Болалар шаҳарчаси ва SOS – болалар маҳаллаларида тарбияланаётган болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш бошлаб юборилди. Мазкур тадбирни жорий йилнинг 30 октябригача ўтказиш белгиланган. Таъкидлаш муҳимки, ушбу чуқурлаштирилган тиббий кўрик кўп йиллардан буён узлуксиз тарзда, яъни йилига икки маротаба ўтказилмоқда. Бу каби савобли ишлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Сен ёлғиз эмассан” Республика болалар фондининг ҳамкорликдаги фаолиятлари туфайли амалга оширилмоқда. Бунинг ифодаси сифатида айтмоқчимизки, юқорида таъкидлаб ўтилган Меҳрибонлик уйи, Болалар уйи, Болалар шаҳарчаси ва SOS – болалар маҳаллаларида истиқомат қилаётган ўғил ва қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари фаол иштирок этадилар. Тиббий кўрик бундан бир неча йил аввал Болалар уйи ёки оилавий поликлиникаларда ўтказилар эди. Эндиликда эса бу ишга пойтахтимиздаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Республика перинатал маркази ҳамда вилоятлардаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг юқори малакали мутахассислари жалб этилмоқда.

**(Давоми 4-5-бетларда).**

*Анжуман*

# МУКАММАЛ ТИЗИМ, НОЁБ ҲОДИСА

## Юртимиздаги шошилинч тиббий ёрдам хизмати хорижлик мутахассислар томонидан ана шундай юксак баҳоланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

фундаментал ва амалий илмий лойиҳалар чуқур ўрганилмоқда. Ҳар йили РШТЁИМ ва унинг ҳудудий бўлинмаларида 2 миллиондан ортиқ беморга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилади, 200 мингдан ортиқ мураккаб операция ўтказилади, "103" тез ёрдам тизими эса мамлакатимизнинг 6 миллиондан ортиқ чақирувларига хизмат кўрсатади. Тиббиёт муассасамизда куну тун шошилинч абдоминал, торакал хирургия, ангиохирургия, кардиохирургия, нейрохирургия, қўшма жароҳат, урология, гинекология, шошилинч терапия, кардиология, неврология, педиатрия, болалар абдоминал ҳамда нейрохирургия ва травматология бўлимлари фаолият олиб боради ҳамда аҳолига шошилинч ёрдам кўрсатилади. Бугунги кунда бутун дунё олимларини ташвишга солаётган юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича марказимизда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шундай экан, ҳар йили РШТЁИМда 1200 нафардан ортиқ бемор ўткир миокард инфаркти билан юқори ихтисослашган даво муолажаларини олади. Клиник лаборатор таҳлиллар, юқори технологик асбоб-ускуналар текширувини ўз ичига олувчи миокард инфаркти ёки ўткир коронар синдромига тахмин қилинганларга РШТЁИМ ва унинг филиаллари стандартларига киритилган текширувлар бўйича аниқланадилар. Беморга замонавий ЭКГ аппарати, юрак ва қон-томирларнинг ультратовушли ва доплерография ҳамда йил мобайнида 1300 дан ортиқ интервенцион текширувларни ўтказувчи замонавий ангиография асбоби, диагностик коронарография, локал тромболизис, баллонли томир дилатацияси, коронар артериясига стент қўйиш, электрокардиостимулятор ўрнатиш каби тиббий хизматлар олиб борилади. Аорта коронар шунт ўрнатишга муҳтож бўлган беморларга юқори технологик кардиохирургия ёрдами кўрсатилади. 2010 йилда кардиохирургия бўлимининг очилиши асосий босқич бўлиб, ҳозирда қон-томир микрохирургия ва кардиохирургия бўлимида 100 дан ортиқ ноёб ва мураккаб операция, шу жумладан, Ўзбекистонда биринчи марта ишлаб турган юракда еттита аорта коронар шунт ўрнатиш, юрак ва бўйин қон томирида симультант операция, АҚШ комбинирланган операцияси, қоринча аневризмаси пластикаси ҳамда юрак клапанларида операциялар ўтказилди, – **дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори ўринбосари Елена Борисова.**





**Уеда ТОШИХИРА, профессор (Япония):**

– Мамлакатингизда бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Шошилинч тиббий ёрдам врачлар Ассоциациясининг III съездида иштирок этаётганимдан мамнунман. Ушбу нуфузли анжуманда соҳанинг долзарб мавзулари қамраб олинганлиги, шунингдек, ёш олимлар танлови ҳамда маҳорат дарсларининг параллель олиб борилиши, бу албатта мутахассисларнинг касб малакасини ошириш билан бирга, ўзаро фикрлашиш имконини яратди десам, муболаға бўлмайди. Юртингизда тиббиёт соҳасига эътибор юқори эканлиги тизимдаги самарали фаолиятларингиздан кўриниб турибди. Бунинг исботи сифатида айтмоқчиманки, РШТЁИМдаги барча шароитлар билан танишиб, у ердаги амалий ишлар жаҳон андозаларига мос тарзда олиб борилаётганлигини кўрдим. Шунингдек, маърузалар давомида ўзбекистонлик олимларнинг долзарб мавзуларда чиқишлари ва бу борада эришган ютуқларини кузатиб, халқингизга кўрсатилаётган шошилинч тиббий ёрдам хизмати алоҳида ўринга эга эканлигини эътироф этмоқчиман. Съездда "Инсультларни нейро-эндоваскуляр даволашда Япониядаги охирги натижалар" мавзусида маъруза қилдим. Ва маърузам бўйича ҳамкасблар билан фикр алмашдик. Бунинг баробарида маҳорат дарсларининг мукаммал тарзда олиб борилганлиги ҳам менда катта таассурот қолдирди. Албатта, бўлиб ўтаётган бу каби кенг аудиториядаги съезднинг ўзига хослиги шошилинч тиббий ёрдам хизматида фаолият юритаётган соҳа мутахассисларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари ҳамда касбий малакаларини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

**Одилжон УМАРОВ, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилояти филиали директори:**

– Фахр билан айтмоқчиманки, истиқлолимиз шарофати ила тиббиётнинг ҳар бир йўналишига ниҳоятда катта эътибор қаратилди. Айниқса, биринчи навбатда Юртбошимиз раҳнамолигида шошилинч тиббий ёрдам хизматига берилган эътибор, мана бугунга келиб, ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигига ҳар биримиз гувоҳмиз. РШТЁИМ ва унинг вилоят филиаллари замон талаблари даражасида бунёд этилиб, ноёб аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаб келинмоқда. Фарғона вилояти филиалимизда ҳам шошилинч тиббий ёрдам хизмати намунали йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда вилоят аҳолисига 2236 нафар тиббиёт ходими хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, тажрибали мутахассисларимиз томонидан мураккаб операция жараёнлари амалга оширилмоқда. Айниқса, микрохирургия йўналишида фаолият бошлаганимиз филиалимиз илмий салоҳиятини оширишда муҳим босқичдир. Самарали натижаларга эришишимизда Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан ўтказиб келинаётган маҳорат дарсларининг ҳам ўрни алоҳида бўлмоқда. Чунки, бўлиб ўтаётган бу каби маҳорат дарслари мутахассислар малакасини ошириши баробарида вилоятнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолига жойида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда операцияларни амалга ошириш имконини яратмоқда. Бу албатта, халқимиз учун катта қулайликдир. Шифо масканимизда айни кунда учта докторлик диссертацияси олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 3 нафар ходимимиз хорижий давлатларда бўлиб, малака ошириб қайтдилар. Бугунги съездда филиалимизнинг 11 нафар ходими иштирок этмоқда ва нейрохирургияда амалий жараёнлар, ўткир юрак синдроми ва абдоминал жарроҳлик мавзуларидаги маърузаларимиз тақдим этилади. Юртимизда соҳа мутахассислари меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ишларига катта эътибор қаратилганлиги боис, филиалимиз ҳар йили юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Жумладан, 2015 йилда Республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловнинг "Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси" номинацияси бўйича Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими биринчи ўринга муносиб деб топилди ва "Дамас" русумли автомашина билан тақдирланди. Вилоятимизда бўлиб ўтган Республика "Ҳамшира" кўрик-танловида иштирок этган филиалимизнинг юрак қон-томирлар жарроҳлиги ва микрохирургия бўлими ҳамшираси Шоҳсанам Акбарова биринчи ўринни эгаллаб, айни кунда Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олмоқда.Филиалимизнинг болалар реанимация бўлими бошлиғи Баҳодир Эминов мустақилликнинг 24 йиллиги арафасида 2-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланди. Албатта бундай ютуқларга эришиш аввало, Президентимизнинг тиббиёт соҳасига бўлган эътибори ҳамда тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлашга қаратилганлиги билан қувонарлидир. Шу ўринда барча ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган тиббиёт ходимлари куни билан самимий қутлайман.





**Ким Жэ ГУ, профессор (Жанубий Корея):**

– Юртингизда ўтказилаётган ушбу съездга таклиф этилганимдан ҳамда халқингизнинг самимий ва меҳмондўстлигидан мамнунман. Аввало, Ўзбекистон билан Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкам тарзда боғланганлиги, бу албатта, халқларимизнинг бир-бирига бўлган чексиз ҳурматидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси билан Жанубий Корея соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳамкорликдан хабардорман. Эътирофлиси шундаки, Ўзбекистон тиббиёти бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келмоқда. Бўлиб ўтаётган мазкур съездда ҳам мамлакатингиздаги шошилинч тиббий ёрдам хизмати бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида ижобий фикрлар билдириб ўтилди. Мамлакатингизда бой клиник илмий тажрибага эга ушбу шошилинч тиббий ёрдам ўзига хос ноёб тизим сифатида жаҳон мутахассисларида катта қизиқиш уйғотаётганлигига гувоҳ бўлдим. Кун тартибига қўйилган долзарб мавзулар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида кенг муҳокама қилинаётганлиги диққатимизни ўзига тортди. Бу борадаги фаолиятлар билан танишар эканман, айниқса, кадрлар салоҳиятига тан бердим. Чунки, турли даражадаги мураккаб операциялар муваффақиятли бажарилаётганлиги уларнинг касб маҳорати қанчалик даражада юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, шифо масканларининг ноёб юқори технологиялар билан таъминланганлиги ва улардан соҳа мутахассисларининг унумли фойдаланиши халқингизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати нечоғлик ошиб бораётганлигини намоён қилмоқда. Съезднинг аҳамиятли томони шунда бўлдики, сессия ишлари билан бирга ёш олимлар кўрик-танлови ҳамда маҳорат дарслари ташкиллаштирилганлиги ҳар бир тиббиёт ходимининг билимларини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Яқин кунларда Ўзбекистон тиббиёт ходимларининг касб байрами нишонланиши муносабати билан ҳамкасбларимни чин дилдан қутлаб қоламан.

**Хулоса сифатида айтиш муҳимки, тиббиётимизнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлган Шошилинч тиббий ёрдам хизмати фаолияти тўғрисида янада ижобий фикрларни давом эттириш мумкин. Дарҳақиқат, ўзига хос ноёб тизим сифатида тан олинган ушбу соҳага бағишлаб ўтказилаётган съезд фикр ва мулоҳазаларга бой бўлмоқда.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Учрашув*

# Нагоя университети делегацияси билан мулоқот

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида вазир Анвар Алимов ва Нагоя университети президенти Сейичи Мацуо бошчилигидаги делегациянинг учрашуви бўлиб ўтди.**

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ҳамда Нагоя университети (Япония) вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларданоқ, Япония Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори бўлиб келаётганини қайд этиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар юксак натижа бераётганини алоҳида тилга олди. Айтиш муҳимки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари барча йўналишларда, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида изчиллик билан ривожланиб бормоқда.

Меҳмон самимий қабул учун ташаккур билдирар экан, Нагоя университети Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тиббий йўналишдаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, тиббиёт соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш бўйича ҳамкорликни давом эттириш режаси борлигини таъкидлади. С. Мацуо Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари ҳамда ўзбекистонлик 14 нафар тиббиёт мутахассисига Японияда ўз билими ва малакасини ошириш имконини берган "Ёш лидерлар" дастури доирасидаги мустаҳкам ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Учрашув давомида Япония делегацияси аъзолари республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида эришилаётган ютуқлар билан танишдилар.

**Учрашув якунида томонлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Нагоя университети ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш истиқболларини белгилаб олишди.**

*Ҳамкорлик*

# «САЛОМАТЛИК – 2020» СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

***2015 йилнинг 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида "Саломатлик – 2020" сиёсатини амалга ошириш бўйича миллий анжуман бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, миллий ва хорижий экспертлар иштирок этдилар.

Анжуманни Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Шавкат Тиллаев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқлар ҳамда истиқболдаги режалар хусусида тўхталиб ўтди.

Маълумки, "Саломатлик – 2020" сиёсати инсон саломатлиги ва келажак авлодлар камолотига салбий таъсир этадиган тиббий-ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Шундай экан, юртимизда ушбу устувор йўналишларда дунё мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида зарурий дастурлар ишлаб чиқилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Анжуман давомида вазирликнинг мутасадди раҳбарлари соғлиқни сақлаш тизимидаги самарали фаолиятларга, шунингдек, тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигидаги ишларга алоҳида эътибор қаратдилар. Анжуман иштирокчилари юқорида таъкидлаб ўтилган амалдаги фаолиятлар бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Мазкур анжуман 28 октябрь куни "Пойтахт" бизнес-марказида ўз ишини давом эттирди. Кун тартибидан ўрин олган, яъни Ўзбекистон аҳолисининг хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши ва соғлом овқатланиш борасида қўлга киритилаётган ижобий натижалар ҳамда долзарб мавзуларда муҳокама бўлиб ўтди.

Таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда ислоҳот жараёнлари асосан, инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, замонавий технологияларга асосланган ҳолда тиббий ёрдамни аҳолининг барча қатламларига етказиш, соғлом ва фаровон турмуш кечириш учун қулай шароит яратиш муҳимлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Эътирофлиси шундаки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича қатор давлат дастурлари қабул қилинган бўлиб, улар амалда татбиқ этилмоқда. Жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда бутун мамлакат миқёсида иқтисодий, ижтимоий ва индивидуал ривожланишга сезиларли таъсир қилувчи, давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигини оширувчи "Саломатлик – 2020" сиёсати доирасида Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш бўйича концепция ишлаб чиқилди. 2012 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросига аъзо давлатлар барча устувор йўналишлар ҳамкорлиги ва мазкур давлатларда аҳоли саломатлиги ҳамда фаровонлигини янада оширишга қаратилган "Саломатлик – 2020" сиёсатини қўллаб-қувватлаган эди. Анжуманда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий сиёсатда "Саломатлик – 2020" тамойили қандай амалга оширилаётгани, мазкур сиёсатни ишлаб чиқиш тажрибаси, республикада оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ютуқлар, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, соғлом овқатланиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

– Анжумандан кўзланган асосий мақсад аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги тармоқлараро ҳамкорликни ривожлантириш, "Саломатлик – 2020" сиёсатини изчил амалга оширишга оид масалаларни муҳокама қилишдир, **– дейди Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳмедова.** – Тадбир бу борадаги халқаро алоқаларни кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш ва илғор усулларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Айтиб ўтиш жоизки, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда соғлом овқатланиш билан бир қаторда, соғлом ҳаёт тарзи ва жисмоний фаолликнинг ҳам ўрни катта. Мамлакатимизда оналар ва болаларнинг тўғри ва рационал овқатланиши, болалар спортини ривожлантириш йўлида алоҳида чора-тадбирлар олиб борилаётгани ёш авлоднинг соғлом ва бақувват вояга етишини таъминламоқда.

Ўзбекистонда "Саломатлик – 2020" сиёсатини татбиқ этишдан кўзланган асосий мақсад, соғлом турмуш тарзини танлаш имкониятлари ва ҳаётнинг барча босқичларида фуқароларнинг таълими, меҳнати ва дам олиши учун зарур шароитларни яратиш, аҳолини тиббий ёрдам билан тўлиқ қамраб олиш, шу билан бирга жамоатчилик соғлиқни сақлаш хизматини ривожлантириш, унинг салоҳияти ва тармоқлараро муносабатлар механизмларини мустаҳкамлашдан иборат.

Анжуманда иштирок этган хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритилган ютуқларни юқори баҳолашди ва ўтган давр мобайнида мамлакатимизда халқаро стандартларга жавоб берувчи тиббий хизмат кўрсатиш бўйича самарали миллий модель ишлаб чиқилганини эътироф этишди.

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси ҳамкорлигида ташкил этилган икки кунлик анжуман "Саломатлик – 2020" сиёсатининг Ўзбекистонда олиб борилишини кўриш, таҳлил қилиш имконини бермоқда, **– дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси эксперти Жо Жевелл.** – Мамлакатингизда "Саломатлик – 2020" сиёсати бўйича юқори натижаларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистонлик мутахассисларнинг маърузаларида ҳам соғлом овқатланиш бўйича ҳозирда ва келажакда қилиниши режалаштирилган тадбирлар ҳақида маълумотлар олдик.

**Тадбир якунида "Саломатлик – 2020" сиёсатини татбиқ этиш бўйича кейинги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.**

**UzmedInfo материаллари асосида тайёрланди.**
**Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.**











**Эътибор ва ғамхўрлик** — **Бухоро вилояти**

# МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН ЭЗГУЛИК ВА ҒАМХЎРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).



**Тиббий кўрик жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, даволаш муассасаларида яратилган шарт-шароитни кўздан кечирдик.**

**Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказиг**а кириб борар эканмиз, замон талабларига жавоб бера оладиган, янги технологиялар ва тажрибали кадрлар билан таъминланган шифо масканида ишлар изчиллик билан кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Чуқурлаштирилган тиббий кўрикка бағишланган тадбир ушбу марказнинг болалар маслаҳат-поликлиникасида олиб борилди. Бухоро шаҳридаги 32-сонли Меҳрибонлик уйидан 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган мактаб ёшидаги 99 нафар тарбияланувчи марказдаги тажрибали тиббиёт ходимлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Маслаҳат-поликлиникасида барча шароит ва имкониятлар ҳамда тиббий аппаратуралар мавжуд бўлиб, болалар саломатлиги педиатр, невропатолог, офтальмолог, оториноларинголог, хирург, ортопед, стоматолог, эндокринолог, болалар гинекологи ҳамда УТД врачлари томонидан текширилди. Шунингдек, тарбияланувчиларнинг умумий қон таҳлиллари лаборатория текширувидан ҳам ўтказилди.



**Ойбек РУСТАМОВ,
Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат-поликлиникаси мудири:**

– Давлатимиз томонидан фарзандларимиз саломатлигига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик келажагимиз давомчилари соғлом ва баркамол ўсишларида, шунингдек, жамиятимиз ривожланишида муҳим пойдевор бўляпти десам, муболаға бўлмайди. Жумладан, “Сен ёлғиз эмассан” Республика болалар фонди ташаббуси билан кенг йўлга қўйилган ушбу тадбир йилдан-йилга ўз нуфузига эга бўлиб, Меҳрибонлик уйи, Болалар уйи, Болалар шаҳарчаси ва SOS – болалар маҳаллаларидаги тарбияланувчилар саломатлиги йўлида амалга оширилаётган савобли ишлардан бири эканлигини эътироф этиб ўтиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Сен ёлғиз эмассан” Республика болалар фонди ҳамкорлигидаги мазкур чуқурлаштирилган тиббий кўрик режага мувофиқ, апрель ва октябрь ойларида ўтказиб келинмоқда.



Икки кун давомида марказнинг малакали тиббиёт ходимлари ўтказган тиббий кўрик чоғида болаларда жиддий касалликлар аниқланмади. Болаларнинг айримларида камқонлик, кўз касалликларидан миопиянинг енгил даражаси, киндик чурраси, яссиоёқлик, жисмоний ривожланишдан орқада қолиш, бош мия фалажлиги, тонзиллит, отит, кариес каби касалликлар учради. Албатта, хасталиги аниқланган болаларга муҳим тавсия ва маслаҳатлар, даво муолажалари берилди. Шу ўринда айтишим жоизки, аниқланган касалликлар бўйича Меҳрибонлик уйининг врач ва ҳамшираси билан келишилган ҳолда умумлаштирилиб, режа тузилади. Агарда хирургик амалиётга зарурат туғилса, марказимиз ёки пойтахтимиздаги етакчи клиникаларга йўлланма берилади.

Бундан ташқари, режага мувофиқ болалар уйларида ҳам тарбияланувчилар саломатлигини назорат қилиб борамиз. Албатта, ўтказилган текширувлар маълум бир муддатдан сўнг мониторинг қилиб борилади.

Хулоса сифатида айтишим жоизки, 2003 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижасида болаларда касаллик кўрсаткичлари камайган.



**Абдужаббор ВОСИЕВ,
Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази хирургия бўлими мудири:**

– Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан болалар саломатлигига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг ифодаси сифатида айтмоқчиманки, вилоят болалар кўп тармоқли марказларининг ташкил этилганлиги бемор болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Айниқса, чақалоқлар хирургияси бўлимининг фаолият бошлагани жойларда мураккаб операция жараёнларини амалга ошириш имкониятини яратди. Жумладан, 2015 йилнинг 1 январидан ўн ўринга эга бўлган чақалоқлар хирургияси бўлими марказимизда фаолият бошлади. Чақалоқларда учрайдиган қизилўнгач атрезияси, диафрагма чурраси, ошқозон-ичак тизими ва сийдик-таносилдаги туғма нуқсонларни бартараф этиш бўйича операция амалиёти кечиктирилмасдан ўз вақтида бажарилмоқда. Мутахассисларимиз бу борада республика перинатал марказида ўз малакаларини бойитиб қайтдилар...

Ҳар йили икки марта ўтказилаётган ушбу чуқурлаштирилган тиббий кўрикда иштирок этиб, болалар уйидаги тарбияланувчилар саломатлигини текширувдан ўтказиб келмоқдамиз. Тадбир давомида болаларда учрайдиган киндик ва чов чурралари, шунингдек, айрим туғма нуқсонли касалликларни аниқлаб, уларни хирургик йўл билан дарддан халос этиб келмоқдамиз. Натижаларга қараганда, болаларда касаллик кўрсаткичлари анчагина камайганлиги кўриниб турибди. Бу албатта, кенг доирадаги тиббий кўрикнинг ўз вақтида сифатли олиб борилаётганлигидан далолатдир.



**Назокат ШАМСУТДИНОВА,
Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат-поликлиникаси УТД врачи:**

– Бу каби тиббий кўриклар мунтазам ўтказилиши натижасида болалар саломатлиги муҳофаза қилиниб, бу борадаги ютуқлар кўпаймоқда. Вилоятимиздаги Меҳрибонлик ва Болалар уйидаги тарбияланувчиларни тез-тез тиббий кўрикдан ўтказиб келмоқдамиз. Айниқса, ультратовуш диагностикаси аппаратида олиб борилган текширув уларда кечаётган касалликларни аниқ ва равшан кўрсата олади. Бугунги ўтказилган тиббий кўрикда айрим болаларнинг буйрагида гидронефроз, юрак етишмовчилиги ва жигар диффуз ўзгариши каби ҳолатлар аниқланди ва уларга керакли тавсиялар берилди.

**Ҳалима САФАРОВА,
Бухоро шаҳридаги 32-сонли Меҳрибонлик уйи ҳамшираси:**

– 12 йилдан буён ушбу даргоҳда ҳамшира лавозимида ишлаб келаман. Болаларимиз саломатлигини доимий назорат қилиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиб туриш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Шундай экан, бу каби тадбирларни ташкил этган “Сен ёлғиз эмассан” Республика болалар фонди ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз.



***Зеро, юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, Юртбошимиз таъбири билан айтганда «Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши лозим» деган пурмаъно сўзларида ҳам катта ҳақиқатни англаш мумкин. Шундай экан, «Сен ёлғиз эмассан» Республика болалар фонди томонидан ўтказиб келинаётган турли хилдаги тадбирлар, албатта, эзгу ва савобли ишларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бинобарин, мазкур тадбирдаги иштирокимиз бу каби савобли ишлар халқимизга хос эзгу фазилат эканлигини яна бир бор намоён этди.***

(Давоми 5-бетда).

*Эътибор ва ғамхўрлик* *Самарқанд вилояти*

# МЕҲРГА БАХШИДА ЭЗГУЛИК ВА ҒАМХЎРЛИК













1, 4-5-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.

**Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлганимизда, Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган ишлар ҳамда марказ бўлимларининг замон талаблари даражасида реконструкция қилингани, шунингдек, энг сўнгги русумдаги аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлангани диққатимизни тортди. Бир сўз билан айтганда, вилоятлардаги замонавий шифо масканларининг ташқи ва ички кўриниши жаҳон андозаларига мослиги билан етакчи клиникалардан қолишмаслиги кўриниб турибди...**

Ушбу тиббиёт муассасасида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрик жараёнлари билан танишиш асносида фаолиятлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Самарқанд шаҳридаги 9-сонли Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг малакали мутахассислари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Жараён қандай бораётганлигини кузатиш мақсадида соҳа мутахассислари ҳамда «Меҳрибонлик уйи»нинг шифокор ва ҳамширалари билан суҳбатда бўлдик.

**Равшанбек ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази хирурги:**

– Анъанага айланиб бораётган чуқурлаштирилган тиббий кўрик аҳоли саломатлигини асрашдаги энг муҳим тадбирлардан биридир. Айниқса, "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар фонди ташаббуси билан ташкил этилган ижтимоий акция ота-она қаровисиз қолган ва имконияти чекланган болалар саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Ушбу тадбир бир неча йиллардан буён ўтказиб келинмоқда. Ушбу фонд ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида олиб борилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрикда вилоятимиздаги мавжуд Меҳрибонлик ҳамда SOS болалар маҳалласи тарбияланувчилари ҳар йили икки мартадан тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилмоқда. Хирург сифатида айтмоқчиманки, текширувдан ўтган айрим болаларда хирургик туғма нуқсонли касалликлар аниқланиб, даво муолажалари, шу билан бирга заруратга қараб операция жараёнларини амалга ошириш режалаштирилди. Бу каби тадбирлар болалар орасида турли хил касалликлар камайишига имкон яратади. Хулоса қилиб айтмоқчиманки, болалар саломатлигини асраш барчамизнинг бурчимиз экан, бу йўлда бор куч ва имкониятларимизни аямаслигимиз лозим.

**Шуҳрат УЛАШОВ,**
**Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг оториноларингология бўлими бошлиғи:**

– Мазкур тиббий кўрик ЛОР бўлимимизда ташкил этилиб, унда марказ мутахассислари фаоллик кўрсатишди. Меҳрибонлик уйларидан ташриф буюрган болажонларга эътибор ва меҳр кўрсатилиб, тиббий кўрик муваффақиятли амалга оширилди. Текширув жараёнида тарбияланувчиларда отит, фарингит, тонзиллит каби касалликлар учради. Меҳрибонлик уйларининг шифокор ва ҳамширалари ҳамкорлигида режа тузилиб, керакли даво муолажалари тавсия қилинди. Мунтазам тарзда давом этаётган ижтимоий акцияларнинг болаларимиз саломатлигидаги ўрни ниҳоятда катта бўлмоқда. Унинг натижасида касалликлар олди олиниб, профилактика ишларига эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, бўлимимиз 20 ўринга мўлжалланган бўлиб, замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган. Айниқса, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази томонидан берилган нейроаудиоскрининг аппарати билан чақалоқларда эшитиш заифлигини эрта аниқлаш мумкин. Шу пайтгача кўплаб чақалоқларда текширув ўтказилиб, уларнинг айримлари Кохлеар операциясига тавсия қилинди. Бунинг натижасида кўплаб оилаларга қувонч ҳадя этилди.

**Фаридун АБДУРАҲМОНОВ,**
**Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат-поликлиникаси кўз шифокори:**

– Меҳрибонлик уйидан ташриф буюрган болаларнинг кўзларини текшириш чоғида миопия, гиперметропия ва астикматизм характеридаги касаллик аломатлари аниқланди ва уларга зарурий тавсия берилди. Мутахассис сифатида айтишимиз жоизки, кўзида туғма нуқсони бўлган ёки касаллик асоратларини орттирган ҳар бир бемор бола доимий врач назоратида бўлиши, соғлом бола эса йилда бир марта кўз шифокори кўригидан ўтиши лозим. Кўз танадаги энг нозик аъзолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун болаларни турли эҳтиётсизлик ва кутилмаган бахтсиз ҳодисалардан асрашимиз керак. Аҳолига бу борада чуқур маълумот бериб боришимиз зарур.

Ҳамкорликда бўлиб ўтаётган бундай тиббий кўриклардан кўзланган мақсад эзгу: болалар орасида кўз касалликларини эрта аниқлаш улар саломатлигида асосий ўрин эгаллайди. Шундай экан, фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш ҳар биримизга катта масъулият юклаш билан бирга ўз устимизда мукаммал ишлашни тақозо этади.

**Нигора АБДУРАҲИМОВА,**
**Самарқанд шаҳридаги 9-сонли Меҳрибонлик уйи шифокори:**

– Аввало, "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз. Йилига икки марта ўтказилаётган соғломлаштириш акциялари болаларимиз саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Болалар уйида фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол ўсишлари учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратилган. Улар саломатлиги йўлида бир нафар врач, бир нафар стоматолог, бир нафар врач-педиатр, беш нафар ҳамшира хизмат қилиб келмоқда. Тарбияланувчиларни юқумли касалликлардан асраш учун режали эмлаш ишлари вақтида олиб борилади. Жумладан, болаларимиз А гепатити ҳамда гриппга қарши эмланди. Уларнинг овқатланишига катта эътибор қаратаяпмиз. Санитария-гигиена қоидаларига амалга қилган ҳолда уларга озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган норма асосида бериб борамиз. Диетолог ҳамширамиз Кифоят Ашрапова тарбияланувчиларнинг кундалик таомномаси асосан, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бой бўлишига катта эътибор қаратиб келмоқда. Фарзандларимизни доимий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб келаётган Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва жамоанинг малакали шифокорларига самимий тилакларимизни изҳор қилиб, уларни касб байрамлари билан табриклаб, масъулиятли ишларига омадлар тилаб қоламиз.

**Самарқанд вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда SOS – болалар маҳалласида истиқомат қилаётган болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишда «Сен ёлғиз эмассан» Республика болалар фонди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамкорлиги алоҳида ўринга эга бўлиб, бундай савобли ишлар янада давом этишига ишончимиз ортди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу каби ижтимоий акцияда жойлардаги соҳа мутахассисларининг фаоллигини алоҳида эътироф этиш лозим.**

Здоровье в наших руках

# ЕСЛИ НАРУШЕНА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ «ЛАБОРАТОРИИ» ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ОРГАНИЗМА...

***Печень часто называют лабораторией человеческого организма. В этом органе происходит порядка 20 млн. химических реакций в минуту и нарушение деятельности «лаборатории» человеческого организма неизбежно ведет к серьезным нарушениям. Одним из заболеваний печени является цирроз.***

Прежде чем речь пойдет о таком заболевании как цирроз печени, хотелось бы напомнить читателям простую истину, которую многие из нас часто игнорируют, позабыв о том, что здоровье в жизни человека, стоит на первом месте. Это значит, что любая болезнь, в том числе цирроз печени, просто так не развивается. Для того, чтобы понять каковы же симптомы данного заболевания и какую профилактику следует проводить, дабы предотвратить данную болезнь — начнем с вопроса касающегося функций печени.

Работа печени имеет огромное значение для всего организма. Основной функцией печени – главного органа кроветворения является очистка крови организма от вредных веществ и соединений. Печень, обезвреживая чужеродные вещества: токсины, избыток гормонов, делает их менее токсичными, тем самым выполняет детоксикацию продуктов питания. Таким образом, вредные вещества удаляются из организма человека.

Еще одной из важных функций печени является участие в пищеварительном процессе. Участвуя в нем, печень обеспечивает организм глюкозой, является производителем белка, холестерина, тем самым дает организму энергию, необходимую для поддержания жизнедеятельности, а также считается хранилищем витаминов.

Узнав о функциях печени мы можем сделать важный вывод, что цирроз печени может появиться от нашего нестабильного обмена веществ и неправильной работы клеток. Ведь, когда у нас проблемы, болезнь печени разрушает организм, а когда все хорошо, то организм приходит в тонус.

Нарушение этих жизненно важных ежедневных функций печени приводит к одному из распространенных в настоящее время болезней – циррозу печени. Каковы же симптомы этой болезни?

Цирроз печени часто не сопровождается признаками или симптомами до тех пор, пока поражение печени не оказывается слишком обширным. На поздних стадиях появляются усталость, слабость, снижение работоспособности, сонливость, потеря аппетита, снижение массы тела, которые являются первоначальными симптомами цирроза печени. Важным клиническим признаком, подтверждающим предположительный диагноз “цирроз печени”, является пожелтение кожи тела, склер глаз, слизистой оболочки рта. Данная болезнь имеет в своем арсенале цветов не только желтую окраску, но и красные оттенки, выражающиеся в покраснении ладоней, или как их еще называют эритеме ладоней. Одним из симптомов цирроза печени считается появление кожного зуда, часто невыносимого и усиливающегося по ночам. При циррозе печени на ранних стадиях образуются звездочки Эппингера, которые называют также паучками. Они считаются прогностически неблагоприятным признаком и наблюдаются исключительно в области оттока верхней полой вены, преимущественно на лбу, затылке, плечах и передней стенке грудной клетки. Морфологически паучки представляют собой точечные эктазии сосудов со звездчатыми или паукообразными отростками, причем при нажатии бледнеют и вновь наполняются кровью после окончания давления.

Одним из информативных способов диагностики состояния печени является ультразвуковое исследование (УЗИ) печени. С помощью ультразвукового обследования можно выявить заболевание печени. В связи с тем, что печень в брюшной полости имеет хорошую плотность, размеры, она отлично отражает ультразвуковые волны. Сканирование больного органа, позволяющее точно определить толщину стенок, а также структуру печени, может распознать характерные признаки цирроза печени: неровный край печени, неоднородность паренхимы печени, при этом эхогенность паренхимы увеличивается с увеличением поглощения ультразвука. В норме паренхима печени – это однородная слабоэхогенная структура, на фоне которой хорошо просматриваются сосуды и желчные протоки. Диффузные изменения паренхимы печени означают, что изменена вся ткань этого органа. Это могут быть тяжелые поражения. Структура паренхимы при циррозе печени обычно становится диффузно неоднородной, имеет множество участков повышенной, средней или пониженной эхогенности.

При наличии цирроза печени УЗИ распознает уменьшение правой доли печени, а также медиального сегмента левой доли с компенсаторной гипертрофией латерального сегмента и хвостатой долей. Кроме того, при сформированном циррозе наблюдаются округлые крупные участки уплотнения, которые состоят в большей мере из высокоамплитудных средней величины эхосигналов.

Для постановки точного диагноза этой болезни проводятся также такие исследования, как биохимический анализ крови, где на цирроз указывает повышенный уровень билирубина и печеночных ферментов и биопсия, что позволяет диагностировать болезнь при выявлении очагов разрастания на небольшом участке печени соединительной ткани.

Более точно на ранних стадиях определить цирроз печени и состояние больного органа можно при помощи компьютерной томографии.

В последнее время развитие клеточных технологий, молекулярной биологии, генетики, физики, химии и ряда других высокотехнологичных дисциплин позволило в повседневную практику внедрить новые высокоточные и высокотехнологичные методы. Так, широкое распространение и внедрение в массовую практику получил метод клинической лабораторной диагностики под названием иммуноферментный анализ (ИФА). ИФА широко используется для диагностики всевозможных инфекций, как острых, так и хронических, а также скрытых форм, которые протекают без клинических симптомов.

Эффективным способом определения точного диагноза является метод исследования цитокинов. Кроме этого, магнитно-ядерный резонанс помогает определить очаги ракового роста в пораженной циррозом печени.

Каждый человек расширяет свои знания о той или иной болезни в целях ее профилактики. Отличной профилактикой цирроза печени является ранняя диагностика, своевременная госпитализация и продуктивное, грамотное лечение, предохранение от различных промышленных, лекарственных и бытовых интоксикаций. Немаловажным шагом к профилактике заболевания является наличие знаний о его причинах. Ведь, всеобще известно, что для предотвращения развития любого заболевания необходимо устранить его причины.

Цирроз печени может развиться в результате самых разных хронических заболеваний и патологических состояний. Основными причинами формирования цирроза печени являются сывороточные гепатиты В, С, D, G (с парентеральным путем передачи, то есть, без участия пищеварительного тракта) и алкогольные поражения печени. Особенно неблагоприятно развитие заболевания вследствие действия двух причинных факторов: чаще вируса гепатита В и алкоголя. Причинами развития цирроза печени могут быть токсическое воздействие промышленных ядов, лекарственных средств (метотрексат, изониазид и др.) микотоксинов, венозный застой в печени, связанный с длительной и тяжелой сердечной недостаточностью, аутоиммунный гепатит, когда организм отвергает свои же клетки, воспринимая их как чужеродные, наследственные болезни — гемохроматоз, гепатоцеребральная дистрофия, недостаточность альфа-один-антитрипсина, галактоземия, гликогеноз и другие, длительное поражение желчных путей, не исключены нарушения питания, преобладание жирной, высококалорийной пищи и алкоголя, длительный дефицит некоторых витаминов и минеральных веществ.

Суммируя изложенное, можно определить, что цирроз печени – это прогрессирующее многофакторное заболевание печени, которое характеризуется уменьшением количества клеток паренхимы печени, выполняющих различные метаболические функции, замещением соединительной тканью-фиброзом, когда клетки печени не восстанавливаются, а также происходит перестройка нормальной структуры печени с последующим развитием портальной гипертензии и печеночной недостаточности. Болезнь прогрессирует, обратный процесс невозможен. Поэтому если бережно не относиться к печени, не давать ей разгрузку от работы, то неизбежно печень заболеет, превращаясь в безфункциональную ткань, которая со временем может разложиться.

В развитых странах цирроз печени входит в группу шести основных причин смерти людей от 35 до 60 лет. На сегодняшний день доказано, что клетки печени способны к регенерации, необходимо лишь создать для этого благоприятные условия. Одним из главных факторов, способствующих ее восстановлению, считается избавление от вредных привычек и минимизация нагрузки на печень. Не менее важную роль играет чистка печени и всего организма, кроме того необходимо обеспечить наш организм всеми витаминами и минеральными веществами.

Для подбора подходящего лечения необходимо провести обследование и поставить наиболее точный диагноз. Постановка этиологического диагноза, необходимого для дифференцированной программы терапии, требует учета всей совокупности клинико-эпидемиологических данных и результатов лабораторных исследований. Благодаря комплексному лечению, куда входит очистка организма, нормализация питания, прием иммунодепрессантов, препаратов группы гепатопротекторов и иммуномодуляторов, можно сохранить здоровье одного из жизненно необходимых органов при помощи высококвалифицированного врача.

**Ойимхон ХАЛИКОВА,**
**студентка 2-курса медико-педагогического факультета Ташкентской медицинской академии, под руководством научного руководителя Дильдоры ШАКИРОВОЙ.**

Ижтимоий ҳимоя

# ТАРҒИБОТ ЯХШИЛАНДИ

***Юртимизда турмуш фаолияти ва имконияти чекланган шахсларни ижтимоий муҳофазалаш ҳамда реабилитация қилиш, уларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, жамият билан уйғунлашиши учун шароит яратиш, ҳар қандай камситишлардан ҳимоялаш, бу борада зарур чора-тадбирларни кўриш давлат қонунлари билан кафолатланган.***

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманлараро тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан турли сабабларга кўра жисмоний имконияти чекланган фуқароларни иш фаолиятига қайтариш мақсадида реабилитация муолажалари олиб борилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тарғибот ишлари кучайтирилганлиги боис, ўтган давр мобайнида бирламчи, шунингдек, қайта рўйхатга олинган жисмоний имконияти чекланган шахслар сони сезиларли камайган. Бундан ташқари, ТМЭК назорат кўриги орқали 103 нафар ногирон тўлиқ, 101 нафари эса қисман реабилитация қилинди.

Тиббиёт бирлашмалари, пенсия жамғармалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда жисмоний имконияти чекланган шахсларга тиббий, касбий тавсиялар берилиб борилмоқда.

**Чори НУРТАЕВ,**
**Деҳқонобод туманлараро 33-сонли ТМЭК раиси.**

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

***Бугун мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, имконияти чекланган фуқароларни реаблитация қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтиришда муҳим аҳамият касб этади.***

Айни пайтда тиббий меҳнат экспертиза комиссиямиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида самарали чора-тадбирлар олиб борилаяпти. Хусусан, ногиронликни ўз вақтида аниқлаш, белгилаш борасида қилинаётган ишлар шулар жумласидандир. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 102 нафар ногирон тўлиқ, 48 нафари эса қисман реабилитация қилинди.

Ҳудудимизда касалланиш ва ногиронлик аҳволини доимий ва чуқур таҳлил қилиш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Айниқса, йўналишга оид илмий-амалий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш анъанага айланган.

**Асқар МЕНГЛИЕВ,**
**Қарши туманлараро 35-сонли ТМЭК раиси.**

### *Мутахассис тавсиялари*

# СКОЛИОЗ КАСАЛЛИГИНИ БАДАНТАРБИЯ МАШҚЛАРИ БАРТАРАФ ЭТАДИ

***Сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлар орасида қомат бузилиши, нотўғри ривожланиши билан боғлиқ касталиклар кўплаб учрамоқда. Ўсмирлик даврида тана тўғри ўсмаслиги кейинчалик умуртқа поғонаси қийшайиши, яъни сколиоз касаллигига олиб келади. Хўш, нутқимизда кўп марта тилга оладиган "сколиоз" сўзининг луғавий маъноси нима?***

2014-2015 йиллар мобайнида кўкрак умуртқалари сколиози билан касалланган 60 нафар болани доимий назоратга олиб, уларда қандай клиник белгилар кечишини кузатдик. Барча текширув жараёнлари талаб қилинган даражада ўтказилди: клиник кўрик, анамнезни йиғиш, умуртқа поғонаси биохимеханикаси бузилишини аниқлаш, рентгенографияни функционал синамалар билан ўтказиш, И. Геллер ускунаси билан миометрия олиб бориш, беморни турли ҳолатларда электромиография қилиш шулар жумласидандир.

Сколиоз ўсиш давридаги деформацияларга киритилган касаллик тури бўлиб, у ўсмирлик даврида бошланади ва ривожланади. Тахминан 80 фоиз ҳолатда деформация сабабларини аниқлаш қийин кечади. Бу турдаги сколиоз "идиопатик" деб номланади (юнончадан таржима қилинганда, "номаълум сабабли" деган маънони англатади). Идиопатик сколиоз асосан скелетнинг тезлашган ўсиш даврида намоён бўлади. Қолган 20 фоиз сколиоз умуртқа поғонасининг туғма деформациялари сабабли юзага келиши мумкин. Масалан, Клиппель-Файл синдроми, асаб-мушак тизими, полиомиелитда, бириктирувчи тўқима касалликларида, суяк модда алмашинуви бузилишида, жароҳат ва ёмон сифатли ўсмалар сабабли ёки юракда кечадиган ҳар хил клиник белгиларнинг асоратлари сифатида сколиоз келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Статистик маълумотларга кўра, сколиотик деформация асосан, болалар ва ўсмирларда учрайди. Кўп ҳолларда сколиознинг бола танасида ривожланиши жинсий вояга етиш даври (10-14 ёш)га тўғри келади.

"Ўсмирлар сколиози" деб пубертант даврдан (10 ёш) суяк ўсишининг тўхташ вақти (18-20 ёш) диагностика қилинган касаллик турига айтилади. Бу касалликдан кўпроқ ёш қизлар (85 фоиз ҳолатда) азият чекади. Ўғил ёки қиз бўлишидан қатъи назар, ўсмирлар сколиози идиопатик характерга эга ва вақт ўтган сари кучайиб боради.

**Клиник белгиларига кўра, сколиоз тўрт турга бўлинади:** ***биринчи даражали сколиоз ва унинг белгилари:*** қийшиқ (қисқарган) тос, йиғилган елкалар, бошнинг эгилган ҳолати, қомат энкайганлиги. Тананинг қийшайган томони елканинг иккинчисига қараганда баландда бўлиши. Вертикал ўқ атрофида умуртқаларнинг буралиш белгилари кўзга ташланади. Қоматнинг ассиметрияси кузатилади ва унинг қийшайганлик ёйини аниқлаш учун беморни олдинга энгаштириш зарур. Бемор тўғри ҳолатда турса, қоматининг қийшиқ эканлиги яққол сезилади. Рентгенограммада қийшайиш бурчаги аниқ кўринади.

**Иккинчи даражали сколиоз қуйидаги белгилар билан тавсифланади:** торсия (вертикал ўқ атрофида умуртқа поғонанинг бурилиши). Бўйин контурлари ва қомат учбурчагининг ассиметрияси. Қийшиқ (қисқарган) тос. Қоматнинг қийшайган томони бел қисмида мускулли дўнглик, кўкрак қисмида бўртиб аниқланади. Тананинг барча ҳолатларида қийшайганлик кўриниб туради. Рентгенограммада қийшайиш бурчаги 10-20 градусда эканлиги билинади.

***Сколиоз (юнонча okolioc – қийшиқ, лот. scoliosis) – умуртқа поғонасининг тўғри ҳолатидан ён томонга турғун қийшайиши билан боғлиқ касаллик тури бўлиб, кўпроқ ўсмирлар орасида учрайди.***

**Учинчи даражали сколиознинг белгилари қандай?** Худди иккинчи даражаники сингари белгилар кузатилади. Қобирғалар ботиқ, кучли намоён бўлган торсия. Қобирғалар дўнглиги яхши тасвирланган. Қорин мушаклари бўшашган, олдинги ёйлар бўртиб чиққан. Қийшайиш томонида қобирғалар ёйи тос суякларга яқинлашиш кузатилади. Рентгенограммада қийшайиш бурчагининг 20-30 градусга етганлиги аниқланади.

**Тўртинчи даражали сколиоз.** Умуртқа поғонаси кучли деформацияси билан ажралиб туради. Юқорида тавсифланган сколиознинг барча белгилари кучаяди. Қоматнинг қийшайган томонида мушаклар ўта чўзилган бўлади. Кўкрак сколиозининг эгилиш сатҳида қобирғалар чўкишига гувоҳ бўламиз. Рентгенограммада қийшайиш бурчагининг 30 ва ундан ортиқ градусда эканлиги аниқланади.

Сколиоз шаклига кўра, с-симон (қийшайиш бир ёйли), s-симон (қийшайиш икки ёйли), сигмасимон (қийшайиш уч ёйли) бўлишига амалиётда кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Бу касалликни даволаш мумкинми, деган савол ота-оналарни ҳам, шифокорларни ҳам доимо қизиқтириб келади. Ўсмирлар ва болалар сколиозини консерватив даволашда, биз шифокорлар одатда комплекс характерга эга бўлган жисмоний тарбия, физиотерапевтик (мушаклар юқори частотали электростимуляцияси) ва дифференциаллашган массаж муолажаларини белгилаймиз. Жисмоний машқлар комплекси даволовчи-шифокорлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Сабаби, носимметрик машқлар ҳар бир бемор учун алоҳида ишлаб чиқилса, у тезроқ соғломлаштирилади. Машғулот ўтиладиган залда албатта, гимнастик девор, скамейка, тренажёр, ёнбош текислик, кушетка, текис юзали стол (травматик ва неврологик хасталикдаги бўғимлар ҳаракатини қайта тикловчи), блоковчи ускуна, баскетбол корзинаси, катта кенг ойна, ҳар хил ўйинчоқ ва мосламалар бўлиши керак.



Андижон шаҳридаги 2-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари икки, яъни 3-4 ҳамда 4-5 ёшлилар гуруҳига бўлинди ва ўрганилди. Ўрганувчиларнинг умумий сони 60 нафар бўлиб, шундан 36 нафари қиз бола ва 24 нафари ўғил боладир. Текширувни муассаса педиатри ва ҳамшираси ўрганишди. Текширув гуруҳлари синчиклаб ўрганилганда, 1-2-даражали сколиоз хасталиги белгилари 10 нафар тарбияланувчида борлигини аниқладик. Нуқсони бор бу тарбияланувчилар овқатланиш вақтида, мусиқа, жисмоний тарбия ва бошқа амалий машғулотларда парта, столда тўғри ўтиришга ўргатилди ва қаттиқ назоратга олинди. Тарбияланувчиларнинг ота-оналарига ванна, бассейнда сузиш машқлари болалар билан албатта ўтказилиши кераклиги уқтирилди. Айниқса, сузиш сколиозга чалинган бола саломатлигини тиклашда жуда катта роль ўйнашини тушунтирдик. Кузатув олиб борилган охирги 6 ой мобайнида сколиоз касаллигининг клиник белгилари 50 фоиз ҳолатда иккинчи даражадан биринчи даражага қайтганлигига амин бўлдик. Тарбияланувчиларнинг юриш-туриши, умумий ҳолатида ижобий томонга ўзгаришни кўрдик.

**Сколиоз хасталигини эрта ва ўз вақтида, яъни икки ёшгача бўлган даврда аниқласак, мактабгача таълим муассасаларида клиник белгилар асоратларининг олдини олиш имкониятлари кўпаяди. Соғлом турмуш тарзини олиб бориш давр талаби эканлиги янада ўз исботини топади.**

**Ф. ТАШЛОНОВ,**
**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали нейрожарроҳлик бўлими мудири, олий тоифали шифокор.**
**Г. ҚЎЛДОШЕВА,**
**Андижон Давлат тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчиси.**

### *101 хизмати хабар қилади*

# БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК!

***Куз фасли ўзидан кейин давом этувчи қиш мавсумига алоҳида тайёргарлик кўришни тақозо этади. Ҳар бир ташкилот, корхона ва муассаса куз-қиш мавсумига пухта тараддуд кўрса, ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ.***

***Ҳар бир фаслнинг ўз хислати ва таровати бўлгани каби саховатли куз манзаралари доимо инсониятни ўзига тортиб келади.***

Давлат миқёсида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилиши юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланади. Аҳоли тураржой мавзелари, ташкилот ва корхоналар, маҳалла ва таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш шу соҳа ходимлари олдига катта масъулият юклайди. Ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашаётган Миробод тумани ИИБ ЁХБ ходимлари ўз ҳудудларида бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Туман ҳудудидаги барча аҳоли тураржойлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар, айниқса мактаб, боғча, махсус мактаб-интернатлар, ногиронлар ва қариялар уйлари, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда даволаш муассасаларининг ёнғинга қарши ҳолатларини синчиклаб текшириб чиқмоқдамиз. Туман ҳокимиятида куз-қиш мавсумини соз, беталафот ўтказиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр энергиясидан тўғри, оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказиб келинмоқда. Бу йўналишдаги ишлар кенг қамровда бажарилишини таъминлаш мақсадида туман ҳудудида жойлашган ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли иштирокида йиғилиш ўтказилди. Ташкиллаштирилган куз-қиш мавсумида аҳоли тураржойларида иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳолатлари кўпайишини инобатга олиб, газ плитасини ўзбошимчалик билан бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, қўлбола ясалган электр иситиш ускуналаридан фойдаланишдек номақбул ҳолатлар кўнгилсизлик билан якун топиши мумкинлигини фуқаролар ўртасида батафсил тушунтириб боряпмиз. Тарғибот-ташвиқот ишларига қарамасдан аҳоли тураржойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги оқибатида баъзан кўнгилни хира қиладиган воқеалар содир бўлмоқда. Ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларга беларво бўлмаслик, хавфсизликнинг барча қоидаларига амал қилиш куз-қиш мавсумида рўй бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини унутмайлик. Дудбурон вақтида тозаланганми? Электр энергияси ва газ печлари созми? Агар ана шу саволларга жавоб тарқасида фуқаролар ўз хонадонлари, иш жойлари, йўлак ва бошқа ерларни кўздан кечириб қўйсалар, бирор муаммо бўлса, электрик ёки газлаштириш идораси ходимларига мурожаат қилсалар, куз-қиш мавсуми тинч, осойишта ўтади.

**Музроб ТУРСУНОВ,**
**Мирабод тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, кичик сержант.**

Аҳоли тураржой мевзелари, кўча ва майдонлар, маъмурий-маиший иншоотлар атрофида тозалик-озодалик, саранжом-саришталикни сақлашга ҳар бир киши масъулдир. Қуриган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолган маиший чиқиндиларни "Махсустранс" хизмати учун ажратилган жойга олиб чиқиб қўйиш лозимлигига қарамай, айримлар дуч келган жойда тўпланиб қолган чиқиндини ёқиб юборишни афзал кўради. Оқибатда арзимас бўлиб кўринган гулхан, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болалар шўхлик қилиб ёққан оловдан айримлар тан жароҳати олиши мумкин. Ёнғин туфайли нафақат моддий, балки атроф-муҳит муҳофазасига катта зарар етказилиши барчамизга равшан. Чиқинди ва хазонлар атроф-муҳитга турли заҳарли газларни тарқатиб, ёнған майсалар ўрнида қора майдонча ҳосил бўлиши дилни хира қилишига нима дейсиз? Биз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари қанчалик даражада тушунтириш ишларини олиб бормайлик, бундай ўзбошимчалик ва кўнгилсизликларнинг олдини олишга қийналамиз. Бизга бу масалада маҳалла, ташкилот ва корхоналар ёрдам беришлари керак.

Жорий йилнинг 7 ва 18 июнь кунлари Миробод туманида жойлашган Қўйлиқ 1-мавзеси, 30-уй, Сайхун кўчаси 56-уй, Фарғона йўли кўчаси 2-муюлиш, 121-уй олдида айнан қуриган ўтлар ёқиб юборилиши натижасида содир бўлган ёнғинни ўчириш учун махсус автоуловлар ўша манзилларга юборилган.

Қуриган ўтлар, шох-шаббалар ёқиб юборилиши, кўп ҳолларда гулханнинг ўчмасдан тутаб туриши, атрофга ёқимсиз ҳид тарқатиши натижасида баъзи инсонларда турли аллергик хасталиклар қўзғалиши табиий ҳолатдир. Шундай экан, атроф-муҳит муҳофазасига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳолатни бартараф этишга ҳар биримиз масъулмиз.

**Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,**
**Мирабод тумани бўйича ДЁН инспектори, сержант.**



Дард кўрмагин асло Болажон,
Соғлом ўсгин, доим бўл омон.

Соғ тандаги соғлом ақлинган,
Буюк бўлсин юрт – Ўзбекистон.

*2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили*

# ШИФОКОРЛАР ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИЗ

***Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида хайрли ва савоб ишлар амалга оширилгани ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали биз кексалар доимий равишда хабардор бўлиб бордик.***

Айниқса, ёши улуғ инсонларнинг саломатлиги учун қайғуриб, тиббий кўрикдан ўтишимиз, аниқланган касаллик бўйича муолажа олишимиз учун елиб-югуриб хизмат қилаётган шифокорларни кўрсак, дуога қўл очамиз. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги 10-оилавий поликлиника жамоасининг тиббий хизматидан биз фахрийлар ҳам баҳраманд бўлиб келмоқдамиз. Поликлиника филиали шаҳримизнинг турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган Кимёгарлар шаҳарчасида жойлашган бўлиб, «Чулқудуқ», «Наврўз», «Ёшлик» маҳаллалари аҳолисига ҳам намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Мазкур ҳудудда 10 минг нафар аҳоли яшайди ва улар турли касб эгаларидир. Аҳолининг кўпчилик қисмини пиру бадавлат кишилар – меҳнат фахрийлари, кексалар ташкил этади. Шу ўринда бизга беминнат хизмат қилувчи оилавий поликлиникамизнинг малакали шифокорлари ва ҳамширалари фаолиятидан жуда мамнунмиз.

Ўз касбининг моҳир усталари бўлган поликлиника бош шифокори М. Рафиқов, бош врач ўринбосари Б. Эргашева, кўз шифокори К. Бобоева ҳамда катта ҳамшира Ж. Одилова ва бошқа ходимлар ҳам ҳар бир беморни илиқ ва самимий кутиб олиб, ўзларининг керакли маслаҳатларини бериб боришади.

Юртимизда ана шундай қалби пок, камтарин, меҳрибон, ғамхўр шифокор ва ҳамшираларимиз борлигидан фахрланиб, уларни яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан самимий қутлаб, соғлик-омонлик, оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.

**Ш. МАЪРУПОВ,**
**"Нуроний" жамғармасининг Самарқанд шаҳар бўлими фаоли.**

# ТИББИЙ ХИЗМАТДАН АҲОЛИ МАМНУН




**Фарғона вилояти Фурқат тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника 90 мингдан зиёд аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.**

Мазкур саломатлик маскани 2014 йили янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган. Замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар биринчи ёрдам, ташхис, даволаш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қуйидаги тиббиёт коллежларининг директор ўринбосарлари бўш (вакант) лавозимларига

# ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| Т/р | Коллеж номи | Лавозими |
|---|---|---|
| 1 | Асака тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 2 | Қўнғирот тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 3 | Зомин тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 4 | Муборак тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 5 | Хатирчи тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 6 | Каттақўрғон тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 7 | Сўзангарон тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 8 | Сирдарё тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 9 | Сариосиё тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 10 | Олмалиқ тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 11 | Чирчиқ тиббиёт коллежи | Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари |
| 12 | Элликқальа тиббиёт коллежи | Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари |
| 13 | Хўжаобод тиббиёт коллежи | Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари |
| 14 | 1-Фарғона тиббиёт коллежи | Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари |
| 15 | Сергели тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 16 | Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 17 | Андижон тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 18 | Ҳаққулобод тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 19 | Косонсой тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 20 | Чуст тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 21 | Самарқанд тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 22 | Каттақўрғон тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 23 | Сиёб тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 24 | Сирдарё тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |
| 25 | Зангиота тиббиёт коллежи | Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари |

***Танловда қатнашишга хоҳиш билдирган шахслар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар билан ишлаш бошқармасига танлов эълон қилингандан сўнг бир ой муддат давомида қуйидаги ҳужжатларни топширишлари мумкин:***

1. Соғлиқни сақлаш вазири номига ариза;
2. Сўровнома ва таржимаи ҳол;
3. Маълумоти ҳақида диплом нусхаси;
4. Малака ошириш бўйича ҳужжатлар нусхаси (гувоҳнома, сертификат ва ҳ.к.);
5. Паспорт нусхаси;
6. Меҳнат дафтарчасидан нусха;
7. Илмий даража, илмий унвон, малака тоифалари ҳақида ҳужжатлар нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар руйхати;
9. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
10. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

**Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уй,
Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси.
Мурожаат учун телефон: 239-48-36.**




## *Обуна – 2016*

**Ҳурматли муштарийлар!**

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2016 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.**

**Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**

**Нашр индекси: 128.**



Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 4378 нусха.
Буюртма Г-1058.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.